6 «ҚИШЛОҚДАГИ МИЛЛИОНЕР» – ПРЕЗИДЕНТ СОВРИНИ СОҲИБИ



12 ЎЗБЕКИСТОННИНГ АЛП ЎҒЛОНИ



15 «БОИНГ»ГА НАЖОТ БЕРГАН ЎЗБЕК ОЛИМИ




КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Нашр индекси - 131

# ЖАМИЯТ

2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган

Газетанинг чакана савдода белгиланган нархи — 190 сўм

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

2007 йил 30 март № 13 (26)

## ИЛМЛИ ЮРТНИНГ КЕЛАЖАГИ БУЮКДИР




*Инсоният тамаддуни тарихида Абу Али ибн Сино, Беруний, Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур каби даҳо фарзандлари номи билан донг таратган Ўзбекистон бугун ҳам дунёдаги энг саводхон мамлакатлардан бири сифатида эътироф этилди. Интернет халқаро тармоғи орқали тарқатилган «Дунё харитаси» рўйхатида мамлакатимиз аҳолисининг саводхонлик даражаси 99,3 фоиз экани ва Ўзбекистон юксак тараққиётга эришган Германия, Буюк Британия, Франция, Белгия, Италия сингари давлатлар билан бу борада тенглашгани қайд қилинди.*

*Ушбу эътироф, мамлакатимиз раҳбарининг «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт» деган нурли орзулари, ёш авлод тарбияси, камолоти борасидаги саъй-ҳаракатлар давлат сиёсати даражасига кўтарилганининг натижаси, самараси, шонли муваффақиятидир.*

## ҲАФТАНИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

27 март куни ЮНЕСКОнинг Париждаги бош қароргоҳида «Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми» жамғармаси билан БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) ўртасида Ўзаро Англашув меморандуми имзоланди.

***27 март куни «Ўзэкспомарказ»да «Озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар, қадоқлаш воситалари ва ускуналар — «World Food — 2007» ва «Қишлоқ хўжалиги — Agro World-2007» халқаро кўргазмалари иш бошлади.***

28 март куни Қорақалпоқ кинорежессёри Тўраниёз Қалимбетовнинг Орол денгизининг қуриб қолган сатҳида ўсимлик ва ҳайвонот оламини қайта тиклашга бел боғлаган инсонлар меҳнатига бағишланган «Фидойилар» ҳужжатли фильми Италияда бўлиб ўтган халқаро кинофестивалда совринли ўринга сазовор бўлгани ҳақида матбуотда хушхабар тарқатилди.

***Тошкентда 28 март куни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (МАТТ) Кенгашининг навбатдаги тўққизинчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси, Россия Федерацияси, Қозоғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси вакиллари иштирок этди.***

29 март куни Бухоро давлат университети қошида пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон — Япония Инсон ресурсларини ривожлантириш марказининг филиали очилди. Мазкур жамоат ташкилоти филиалининг асосий вазифаси бухороликларни, воҳа меҳмонларини Япония маданияти, одатлари, миллий анъаналари билан яқиндан таништириш, қизиқувчиларга ушбу мамлакат тилини ўргатишдан иборат.

***29 март куни пойтахтимизда хотин-қизлар интернет фестивали якунланди. Тадбир Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, «UZINFOCOM» маркази, БМТнинг Тараққиёт дастури, Тошкент Ахборот технологиялари университети ҳамда «InfoCOM.UZ» ахборот таҳлилий журнали ҳамкорлигида ташкил этилди.***

**«Жамият»га обуна йил бўйи давом этади. Март ойидан бошлаб, газетамиз ўқувчилари сони 1933 нафарга ошди.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ТЎҚҚИЗИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

## 29 март куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси очилди

***Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, фаолияти Сенатнинг ялпи мажлиси кун тартибига киритилган масалаларга дахлдор давлат органларининг раҳбарлари ҳозир бўлдилар. Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.***

Сенаторлар ўз ишларини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан Қонунчилик палатасига лойиҳалари киритилган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунини ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини, шунингдек, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқишдан бошладилар.

Шу нарса алоҳида таъкидландики, мазкур ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши демократик islоҳотларни янада чуқурлаштириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш зарурияти, мамлакатимизнинг давлат ва ижтимоий турмушида сиёсий партияларнинг роли ҳамда ўрнини кучайтиришга қаратилган азму қарор тақозоси эди.

Ана шу қонунлар лойиҳа тарзида кенг кўламдаги умумхалқ муҳокамасидан ўтди. Мамлакатимизнинг турли минтақаларида фақатгина сенаторлар, маҳаллий Кенгашлар депутатлари иштирокида 300 дан ортиқ конференция, семинар ва давра суҳбатлари ўтказилди. Уларда мазкур қонунлар сиёсий партияларга ижтимоий-сиёсий жараёнларга таъсир ўтказиш, давлат бошқарувини янгилашда, мамлакатни янада демократлаштиришда фаол тарзда иштирок этиш учун улкан имкониятлар яратиб беради, деб таъкидланди.

Қонун лойиҳалари кенг доирадаги чет эллик бообрў экспертлар, сиёсатшунослар, олимлар ва журналистларда катта қизиқиш уйғотди, улар бу қонунлар умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларига батамом жавоб беришини ҳамда Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларни янги босқичга кўтариш имконини беришини таъкидлаб ўтдилар.

Сенат мажлисида сўзга чиққанлар томонидан шу нарса таъкидландики, мазкур қонунлар ҳокимият вакиллик ҳамда ижро этувчи тармоқлари органларини шакллантиришда сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг амалий иштирокини, ўзаро бир-бирини тийиш ва мувозанатни сақлаш тизими чинакамига фаолият кўрсатишини, парламент фаолияти янада демократлашиб боришини таъминловчи самарали ҳуқуқий механизмларни яратади ҳамда аҳолининг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти даражаси ошишига кўмак беради.

Юқорида айтиб ўтилган қонунларнинг қабул қилиниши ижтимоий-сиёсий ислоҳотларнинг давоми, мамлакатнинг давлат-ҳуқуқий ва сиёсий тизимини босқичма-босқич тадрижий ривожлантиришнинг натижаси, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари ташланган муҳим қадам бўлиб қолади, бутун сиёсий тизимга, давлат қурилиши тизимига, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар, мамлакатни демократик жиҳатдан янгилаш жараёнларига чуқур таъсир ўтказади. Сенаторлар ушбу қонунларни маъқуладилар.

Шундан сўнг «Ипотека тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун кўриб чиқилди. Сенаторлар бу ҳуқуқий ҳужжатнинг аҳамиятига урғу берар эканлар, киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар асосида Фуқаролик кодекси гаровга олувчининг талабини гаровга қўйилган кўчмас мол-мулк ҳисобидан судга мурожаат қилмасдан қаноатлантиришга асосланган янги тартиб билан кенгаяётганлигини таъкидладилар. «Гаров тўғрисида»ги ҳамда «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонунларга киритилаётган ўзгартишларда ипотекали кредитлаш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг манфаатларини ҳимоя қилиш ва таъмин этиш мужассам топган. Ипотека соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларнинг такомиллаштирилиши эса аҳолига уй-жой олиши учун узоқ муддатли мақбул кредитлар бериш кўламларини кенгайтириш имкониятларини яратишга қаратилган бўлиб, у бир қанча ижтимоий-иқтисодий вазифалар ечим топишига олиб келади, энг аввало уй-жой шароитини яхшилашнинг амалий омилларини таъминлаш йўли билан фуқароларнинг турмуш даражасини оширади.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида»ги 2006 йил 24 майда қабул қилинган қарорини бажариш юзасидан тайёрланган «Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 2411-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 44-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонунни ҳам кўриб чиқдилар.

Мазкур Қонун тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга қаратилганлиги айтиб ўтилди. Жумладан, унда тадбиркорлик фаолияти субъектини давлат рўйхатидан ўтказишнинг белгиланган тартибини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланиши, шунингдек давлат рўйхатига олишнинг хабардор қилиш тартиби асосий принципларини қонунчилик даражасида жорий этиш назарда тутилган. Қонуннинг қабул қилиниши тадбиркорлик фаолияти субъектларини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш учун қўшимча шароитлар яратади.

«Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 49-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги қонун ҳам сенаторлар томонидан кўриб чиқилди. Бунда Оила кодекси 49-моддасининг янги таҳрири никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш билан боғлиқ ишларни судларда ҳал қилиш жараёнига ижобий таъсир кўрсатади дея қайд этилди. Оила қуришнинг мана шу ва бошқа нозик жиҳатларини ҳисобга олиб, шунингдек амалдаги қонун ҳужжатларидаги зиддиятларни бартараф этиш мақсадида мазкур ҳуқуқий ҳужжатга киритилаётган ўзгартишлар никоҳланувчи шахслардан бири ўзида таносил касаллиги ёки одам иммунитети танқислиги вируси (ОИВ касаллиги) борлигини иккинчисидан яширганлиги суд томонидан никоҳнинг ҳақиқий эмас деб топилиши учун асос бўлишини аниқлаштириб қўймоқда. Қонун оилани мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 28 февралда қабул қилинган «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини бажариш тақозоси билан шакл топган «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун кўрилаётганда унинг йўловчилар ташиш хавфсизлигини янада пухтароқ таъминлашга ҳамда Ўзбекистон Республикасида автомототранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини бериш, ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тартибини такомиллаштиришга қаратилганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги қонуннинг баъзи моддаларига киритилаётган ўзгартишлар бу соҳадаги ҳуқуқий муносабатлар янада мукаммаллик касб этишига ёрдам беради.

Шундан кейин сенаторлар «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, шунингдек «Бюджет тизими тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунларни кўриб чиқдилар. Уларнинг биринчиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 сентябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси ҳисоб палатаси фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан тайёрланганлиги қайд этиб ўтилди. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс Ўзбекистон Республикаси ҳисоб палатаси ўзи ўтказган текширишлар натижалари бўйича чиқарган кўрсатмаларни бажаришдан бош тортганлик ёки ўз вақтида бажармаганлик учун жавобгарлик чорасини назарда тутувчи 2152-модда билан тўлдирилди. Иккинчи қонундаги аниқлаштириш хусусиятига эга бўлган ўзгартиш ва қўшимчаларда ҳисоб палатасининг Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари оқилона фойдаланилиши устидан молиявий назоратни таъминловчи юқори орган сифатидаги фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштиришга, барча даражадаги бюджетларни шакллантириш, кўриб чиқиш ҳамда қабул қилишда мазкур палатанинг ролини оширишга доир ҳуқуқий чоралар ҳам назарда тутилмоқда.

Юқори палата аъзолари шундан кейин «Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»ги қонунни кўриб чиқдилар. Сўзга чиққанлар ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида йод етишмаслигига барҳам бериш ҳамда йод етишмаслиги касалликлари келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида қабул қилинганлигини айтиб ўтдилар. Қонунда йод етишмаслиги касалликларининг ҳам оммавий тарздаги, ҳам якка тартибдаги профилактикасини тузни ва озиқ-овқат маҳсулотларини йодлаш, дори воситаларидан фойдаланиш йўли билан амалга ошириш назарда тутилмоқда. Бундан ташқари Қонунда йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ҳамда хавфсизлиги устидан давлат назорати, йод етишмаслиги касалликлари билан хасталаниш ҳолати ва бундай касалликлар профилактикасига доир чораларнинг самарадорлиги устидан назорат ҳамда мониторинг олиб борилиши белгиланмоқда.

Сўнгра Олий Мажлис юқори палатаси аъзолари «Ҳомийлик тўғрисида»ги қонунни кўриб чиқдилар. Шу аснода таъкидландики, мазкур Қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 январда қабул қилинган «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури тўғрисида»ги қарорига мувофиқ тайёрланган бўлиб, ҳомийлик фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш асосларини белгилашга қаратилгандир. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатда ҳомийликни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қўллаб-қувватлаш шакллари, мамлакатимиз ҳудудида ҳомийлик фаолиятини кенг оммалаштириш ва ривожлантиришни кўзлаб ҳомийлик ташкилотларини ташкил этиш ҳамда фаолиятини йўлга қўйиш хусусиятлари белгилаб берилмоқда. Қонун ҳомийлик фаолияти тизими ривожини таъминловчи зарур ташкилий-ҳуқуқий шароитлар, иқтисодий ва молиявий механизмлар яратади. Бу эса Ўзбекистон халқининг табиатига хос меҳр ва раҳм-шафқат, мурувват, муҳтожларга ҳамиша ёрдам қўлини чўзиш сингари миллий фазилатлар кенг намоён бўлишига йўлида янгидан-янги имкониятлар очади.

Шундан кейин «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун кўриб чиқилди. Сенаторлар ўз сўзларида бу Қонун рангли металлар, уларнинг парча ва резги-чиқитларини тайёрлаш, олиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни ўтказиш қоидаларини бузганлик учун жиноий ва маъмурий жавобгарликни кучайтиришга қаратилганлигини таъкидладилар. Мазкур Қонуннинг қабул қилиниши рангли металлар, уларнинг парча ва резги-чиқитларини мамлакатимиз сарҳадларидан ташқарига ғайриқонуний тарзда олиб чиқиш йўлидаги кўплаб уринишларнинг пайини қирқиш, рангли металлар, уларнинг парча ва резги-чиқитларини йиғиш, тайёрлаш, қайта ишлашнинг белгиланган тартибига риоя этилишини таъминлаши лозим бўлган мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини ошириш йўли билан бу соҳада қонунийликни реал тарзда мустаҳкамлашга ёрдам беради.

«Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни айрим моддаларининг амал қилишини вақтинча тўхтатиб туриш ҳақида»ги қонун ҳам Олий Мажлис юқори палатаси аъзолари томонидан кўриб чиқилди. Шунга алоҳида урғу бериб айтилдики, бу Қонун аҳолининг ва хўжалик юритувчи субъектларнинг банк тизимига бўлган ишончини янада ошириш ҳамда мазкур тизимда юридик ва жисмоний шахсларнинг депозит ҳисоб варақларидаги омонатлари ҳажми барқарор ўсишини таъминлаш, ресурс базасини мустаҳкамлаш мақсадида қабул қилинган.

Кўриб чиқилган қонунлар Сенат томонидан маъқулланди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати тўққизинчи ялпи мажлисининг биринчи иш куни тугади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати**

# ЭЗГУЛИК ЙЎЛИДА КАМАРБАСТА

***Қўқон шаҳар «Тадбиркор аёл» уюшмаси ташкил топган кунидан бошлаб шу кунгача ўз атрофига ижтимоий ташкилотлар вакиллари, тадбиркорлар, шифокорлар, ўқитувчилар, маданият ва санъат ходимлари, ҳуқуқшунослар ва умуман касби-коридан қатъий назар, барча жонкуяр ва фаол хотин-қизларни бирлаштириб келмоқда.***

**Маҳлиё ҒАЙРАТОВА**

1991 йилда асос солинган мазкур нодавлат нотижорат ташкилотининг асосий мақсад ва вазифалари бозор иқтисодиёти шароитида аёллар ва ёшлар орасида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш, ўз аъзолари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, уларга ҳуқуқий, ахборот ва ўқув-услубий ёрдам кўрсатишдан иборат.

Айни пайтда уюшма ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларини «Аёллар», «Фуқаролик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш» ҳамда «Иқтисодиёт» деб номланган дастурларни амалга ошириш орқали бажармоқда.

Уюшма «Нодира» ўқув-маслаҳат маркази, «Мезон» ҳуқуқий маркази, фуқаролик ташаббусларини ривожлантириш Маркази, «Янги авлод» ёшлар маркази билан кенг қамровли алоқаларни йўлга қўйганини таъкидлаш жоиз. Бундан ташқари, стратегик мақсадларни амалга ошириш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган режа ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш мақсадида ташкилот қошида кўмак-маслаҳат кенгаши тузилган.

Бугун Қўқонда мазкур уюшма аёллар тадбиркорлиги, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватловчи бўғин сифатида ўз обрўсига эга. Ўтган йиллар давомида ташкилот аёллар ҳаракатини янада ривожлантириш, жамиятнинг барча жабҳаларида нозик хилқат соҳибаларининг мавқеини ошириш борасида муайян тажриба тўплади. Бу тажриба ҳозирги кунда уюшма томонидан кўплаб аёлларга тадбиркорлик малакасини эгаллаш борасида яқиндан ёрдам кўрсатилишида қўл келмоқда. Чунончи, уюшма тадбиркорликни ривожлантириш бўйича қатор лойиҳаларни амалга оширди. Айниқса, Бешариқ, Ўзбекистон, Данғара туманларида тадбиркорлар учун ташкил этилган ўқув курслари ва бизнес тренинглар минтақа ишбилармонлари олдида турган муаммоларни ҳал қилишда фойдали бўлди.

Уюшманинг биринчи лойиҳаси 1996 йили амалга оширилган эди. Ўшанда 80 нафар хотин-қиз учун бозор иқтисодиёти асосларини чуқур эгаллаш бўйича курслар ташкил этилган эди. 1998 йилда эса шаҳардаги умумтаълим мактабларининг 200 нафар ўқитувчилари ўз иқтисодий билимларини мукаммаллаштирдилар.

«Аёллар учун янги имкониятлар» деб номланган лойиҳа хотин-қизлар ташкилотларини тузиш ва ривожлантиришда катта аҳамият касб этди. Ушбу лойиҳа доирасида уюшма кўмагида вилоятда хотин-қизлар масалалари билан шуғулланувчи 30 та нодавлат нотижорат ташкилоти тузилди.

Қўқон шаҳри маҳаллалари ва Фарғона вилоятидаги 8 та туманда аёллар ва болаларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини ўрганиш мақсадида уюшма томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида кўплаб муаммолар ижобий ҳал этилди. Жумладан, Қўқон шаҳридаги Давронбек маҳалласи аҳолиси ичимлик суви билан таъминланди, маҳаллада мактаб биноси қурилди.

Ҳозирги кунда «Фуқаролик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш» дастури амалга оширилмоқда. Бу дастур аҳолининг ижтимоий ҳаётда фаоллигини ошириш ва фуқароларнинг маънавий салоҳияти ва сиёсий дунёқарашини бойитишни, мухтасар айтганда, фуқаролик жамияти барпо этишда юртдошларимизнинг муносиб иштирокини таъминлашни кўзда тутади.

Ҳа, уюшма фаоллари мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги йўлида доимо камарбаста. Улар ўзлари амалга ошираётган ишлар фақат эзгуликка хизмат қилишини истайдилар. Аслида Қўқон шаҳар «Тадбиркор аёл» уюшмасининг асосий мақсади ҳам айнан шу!

# АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ

*бу ишда маҳаллаларнинг ролини ошириш муҳим аҳамият касб этади*

***Яқинда Жиззах вилоятида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси, Жиззах вилоят ҳокимлиги ва Ўзбекистон «Адолат» социал демократик партияси ҳамкорлигида «Фуқаролик жамияти институтларининг аҳолининг ижтимоий ҳимоясидаги вазифалари» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.***

**Маъруф МАҲМУДОВ**

УНДА қўмита аъзолари, Жиззах вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон «Адолат» СДП сиёсий Кенгаши вакиллари, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармаларининг вилоят бўлимлари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Омбудсманнинг минтақавий вакили, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими, вилоятда фаолият олиб бораётган нодавлат нотижорат ташкилотлари фаоллари, вилоят соғлиқни сақлаш, халқ таълими бошқармалари раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг раиси Акмал Саидов «Ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштиришдан кўзланган мақсад — инсон манфаатларини таъминлаш» мавзусида маъруза қилди.

Тадбирда Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки кунларданоқ бозор иқтисодиётига ўтиш даврида давлатимиз томонидан кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати олиб борилаётгани, ишсизлик муаммосини ҳал қилишда хусусий сектор, касаначиликни ривожлантиришга эътибор қаратилаётгани, жамиятимизда сиёсий барқарорлик ва ижтимоий адолатни қарор топтиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллалар муҳим ўрин тутиб келаётгани таъкидланди. Меҳрибонлик уйлари ва ихтисослаштирилган мактаб-интернатларнинг моддий техник базасини мустаҳкамлаш, болаларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, аҳолининг ночор қатламлари, муҳтож оилалар, ногиронлар, ёлғиз қарияларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни кучайтиришда маҳаллалар ролини янада ошириш муҳим вазифа экани эътироф этилди.

Маъруза юзасидан сўзга чиққанлар жорий йилда амалга оширилаётган ишлар ва келгуси режалар тўғрисида тўхталдилар. Таклиф ва мулоҳазаларга бой ўтган давра суҳбати якунида иштирокчилар аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда фуқаролик жамияти институтлари томонидан амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирларни янада такомиллаштириш юзасидан тавсиялар бердилар.

***Яқинда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг Европада ваколатхонаси очилди. Ваколатхона Франциянинг Париж шаҳрида фаолият юритади.***

# ЎЗБЕК МАДАНИЯТИ ДУНЁНИ ЗАБТ ЭТМОҚДА

**Шоҳаббос ДАНОБОЕВ**

ЖАМҒАРМАНИНГ Европадаги ваколатхонаси учун айнан Париж шаҳрининг танлангани бежиз эмас, албатта. Париж Европанинг маркази ҳисобланиб, дунёнинг энг йирик музейлари, меъморчилик ёдгорликлари, маданият ва таълим соҳасидаги халқаро ташкилотлар шу ерда жойлашган.

Ваколатхона очилиш маросими давомида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва ЮНЕСКО халқаро ташкилоти ўртасида «Ўзаро ҳамжиҳатлик меморандуми» имзоланди. Бу эса Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари ҳудудидаги нодавлат ташкилотлар фаолиятида муҳим воқеа бўлди. Дастур доирасида айни кунларда Лувр кўргазмалар мажмуасида мусиқа, рақс каби миллий маданиятимизнинг замонавий йўналишдаги ижроси намойиш этилаяпти. Шунингдек, миллий фотосанъатнинг ривожланиш босқичларини ўзида акс эттирувчи «Ўзбек фотосуратчилигига 125 йил» деб номланган кўргазма ҳам ташкил қилинган.

Жамғарма томонидан ўтказилаётган бу тадбирлар Европа қитъасида мамлакатларининг Ўзбекистон билан маданий ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Дунёга Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Навоий, Бобур сингари кўплаб алломаларни берган ҳамда бой тарихга эга ўзбек заминига европаликлар доимо катта қизиқиш билан эътибор берганлар. Улар Самарқанд, Бухоро, Хивадаги меъморчилик обидалари — очиқ осмон остидаги музейларга ҳамиша ҳайрат билан боқиб келишади.



Шунингдек, Япония пойтахти Токио шаҳрида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси фаолиятига бағишланган давра суҳбатида ҳам иштирокчилар ЮНЕСКОнинг Париждаги штаб квартираси ҳамда Жамғарма ўртасидаги ҳамкорликка эътибор қаратдилар. Айтиш жоизки, ЮНЕСКО билан жамғарма ўртасидаги алоқалар ҳар томонлама кенгайиб, ривож топмоқда. Пойтахтимизда бир неча бор ўтказилган кўргазмалар, Марказий Осиё мамлакатлари ёшлари фестивали ва Тошкентда очилган кулолчилик мактабининг самарали фаолияти бунга мисол бўла олади.

*Мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Бугун юртимизда 900 га яқин газета ва журнал, 4 та ахборот агентлиги ва ўнлаб телерадиоканаллар фаолият юритаётгани жамиятни демократлаштириш, матбуотни эркинлаштиришга катта эътибор қаратилаётганидан далолатдир.*




## ЖУРНАЛИСТИКАМИЗ ИСТИҚБОЛИ

# ЕТУК МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

Икром ИМОМОВ

ЮРТИМИЗДА фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситалари ходимлари, журналистларнинг муштарак мақсад йўлида бирлашуви, ўзаро ижодий ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлаш, уларни тайёрлаш, малакасини ошириш Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг асосий мақсад ва вазифалари сирасига киради. Уюшма ва унинг жойлардаги бўлимлари қатор ижодий танловлар, малакавий ўқув семинарлари орқали мутахассисларнинг касб маҳоратини ошириш, уларнинг ихтисослашувига кўмаклашиш, жамият равнақи йўлидаги хизматларини рағбатлантиришга катта эътибор қаратмоқда.

*Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси қошида 11 та кенгаш тузилган бўлиб, улар турли соҳаларга ихтисослашган.*

### ЖУРНАЛИСТ — МУТАХАССИС

ЭРИК Фихтелиус «Журналистиканинг 10 қоидаси» китобида «Оммага материал тушунарли бўлиши учун журналистнинг ахборотни тайинли тасвирлаши, рамзлардан фойдаланишининг ўзи етарли эмас, бундан ташқари, у мавзуни яхши билмоғи ҳам зарур, ўзи воқеани яхшигина англаб етган кишигина уни аниқ ва равон тасвирлаб бера олиши мумкин», — деган эди. Дарҳақиқат, мақола ёзишда журналист соҳани яхши тушунадиган мутахассис сифатида, таҳлилий ёндашиб материал тайёрласа, муаммоларнинг ечимини топишда муваффақиятга эришади. Чунки журналист мақолага мутахассис сифатида чуқурроқ ёндашади.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси қошида 11 та кенгаш тузилган бўлиб, улар турли соҳаларга ихтисослашган. Ҳуқуқий, иқтисодий, спорт, журналист этикаси, фахрий журналистлар, журналист аёллар, маҳаллий оммавий ахборот воситалари билан ишлайдиган кенгашлар шулар жумласидандир. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимлари қошида ўқув марказлари ташкил этилган. Бу марказлар кўмагида журналистлар пойтахт ва вилоятларда малака ошириб, тажриба алмашаяпти. Яқиндагина Фарғона вилоятидан Тошкентга ташриф буюрган бир гуруҳ журналистлар республикамизнинг нуфузли нашрларида ўзлари ихтисослашган йўналишларда тажриба алмашишди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2005-2006 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги қарори билан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети қошида очилган Олий журналистика курси соҳада ихтисослашувни кўзда тутади. Бу ерда бакалавр маълумотига эга бўлган ёшлар икки йил мобайнида журналистик билимлар ва магистрлик даражасига эга бўладилар. Демакки, жамиятимиз учун иқтисодий, ҳуқуқий, аграр ва бошқа соҳаларни ёрита оладиган етук мутахассислар шаклланади. 2005-2006 ўқув йилидан бошлаб ҳар йили 60 нафар талабани қабул қиладиган мазкур даргоҳ келажакда миллий журналистикамизнинг ривожига ҳисса қўшиши табиий.

*2005-2006 ўқув йилидан бошлаб ҳар йили 60 нафар талабани қабул қиладиган Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети қошида очилган Олий журналистика курси келажакда миллий журналистикамизнинг ривожига муносиб ҳисса қўшади.*

### СОҲА РИВОЖИ ЙЎЛИДА

КЕЙИНГИ йилларда мамлакатимизда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ташаббуси билан кўплаб тадбирлар ўтказиб келинаяптики, буларнинг бари соҳа ривожи йўлида амалга оширилмоқда. Биргина журналистларни қайта тайёрлаш маркази билан ҳамкорликда ўтказиб келинаётган «Олтин қалам» халқаро танлови миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, соҳада танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш мақсадида ташкил қилинган. Шунингдек, Тасвирий ойина ижодий уюшмаси, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси ва Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда «Энг улуғ, энг азиз» танлови, уюшма Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда БМТ нинг болалар жамғармаси — «ЮНИСЕФ»нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда темир танқислиги анемияси ҳамда бойитилган ун истеъмол қилинишининг аёллар ва болалар саломатлигига ижобий таъсирини кенг равишда ёритишга бағишланган матбуот, телевидение, радио ва интернетдаги энг яхши чиқишлар учун эълон қилинган танловлар орқали оммавий ахборот воситалари тизимини муттасил тарзда ривожлантиришга аҳамият қаратилмоқда.

2007 йил 16 мартда бойитилган ун ва нон маҳсулотларининг фойдали хусусиятларига бағишланган оммавий ахборот воситаларидаги журналистик чиқишлар учун эълон қилинган иккинчи танловнинг ғолиб ва совриндорлари аниқланди. Ҳайъат аъзолари таклиф қилинган материаллар орасидан энг сара 23 та ишни ғолиб деб топиб, совриндорларга компьютер, рақамли видео ва фотокамералар, диктофон ҳамда бошқа иш жиҳозларини топширди. Бундан кўриниб турибдики, бу каби тадбирлар журналистни биринчи навбатда ижодкорлик, ўқишли материаллар тайёрлашга ундаса, иккинчидан қилган меҳнати эвазига яхшигина совриннинг соҳиби бўлишини кафолатлайди.

Шунингдек, ўтказилаётган семинарларнинг ҳам соҳа ривожидаги аҳамияти алоҳида бўлаяпти. Яқинда Миллий матбуот марказида ташкил қилинган тадбир оммавий ахборот воситаларида реклама бериш маданияти ва тартиб қоидаларига бағишланди. Унда иштирок этган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Монополиядан чиқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитасининг масъул ходимлари оммавий ахборот воситаларида реклама бериш «Реклама тўғрисида»ги Қонунга қанчалик мос келаётганлиги тўғрисида таҳлиллардан келиб чиқиб фикр мулоҳазаларини билдиришди. Анжуманда таъкидланганидек, реклама бераётган ахборот воситаси, реклама берувчининг товари ёки кўрсатадиган хизматларининг лицензияланганми ёки йўқми ва қонунда белгиланган рекламанинг берилиш вақти ҳамда ҳажмидан келиб чиқиб уни эълон қилиш лозим. Шундагина ҳозирда учраб турган қонунбузилиш ҳолатларининг олди олинган бўлади. Уюшма келажакда бу каби семинарларни ҳар бир вилоятда ташкил қилишни мўлжаллаган.

Қисқа қилиб айтганда, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси амалга ошираётган ишлари билан миллий журналистикамиз савиясини кўрсатув, эшиттириш, матбуот ва интернетда эълон қилинаёган материаллар нуфузини оширишни мақсад қилган. Дарҳақиқат, шундай, қайси бир нашр, телевидение ёки радиода ижтимоий ҳаётдан келиб чиқиб, аҳолини бефарқ қолдирмайдиган лойиҳалар бериб борилса, соҳанинг жамиятда тутган нуфузи ҳам ошади. Ана шундай эзгу мақсадларни кўзлаган Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси журналистларни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган ишлари билан жамиятимиз ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаверади.

Анжуман

## ҲИНДИСТОНДА ТОШКЕНТ ШУКУҲИ

*Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан 2007 йилда Тошкент шаҳрининг «Ислом маданияти пойтахти» деб эълон қилиниши муносабати билан Ҳиндистон ислом маданияти марказида учрашув бўлиб ўтди. У Ўзбекистон Республикасининг Ҳиндистондаги элчихонаси ва Деҳлидаги «Юнити Интернэшнл» жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилди.*

Тадбирда Ҳиндистоннинг расмий, илмий ва диний доиралари, шунингдек, Деҳлида фаолият юритаётган дипломатия корпуси ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг, Тошкент шаҳрининг «Ислом маданияти пойтахти» деб эълон қилиниши муносабати билан «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюси анжуман қатнашчиларида алоҳида қизиқиш уйғотди. Учрашувда мамлакатимизнинг Деҳлидаги дипломатия ваколатхонаси ва «ЭКОСАН» халқаро ташкилоти томонидан Ўзбекистоннинг бой маънавий ва маданий мероси ҳақидаги маълумотлар анжуман иштирокчилари эътиборига ҳавола этилди.

Тадбир қатнашчилари ўзбек халқининг буюк бобокалонлари - Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбандий ва бошқа мутафаккирлар ислом маданияти ва унинг ривожига беқиёс ҳисса қўшгани ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашди. Мамлакатимиз пойтахтининг бундай шарафли номга сазовор бўлиши ўзбек халқи ва давлатининг истиқлол йиллари давомида маданий-маънавий қадриятларни тиклаш ва бу меросни авайлаб-асраш юзасидан амалга оширган улкан хизматларининг юксак эътирофи экани бир неча бор таъкидланди.

Жумладан, Ҳиндистон режалаштириш давлат вазири С.Ражашекхаран Ўзбекистон-Ҳиндистон ҳамкорлигига юксак баҳо берар экан, «икки томонлама самимий дўстлик асосини халқларимиз ўртасидаги узоқ асрларга бориб тақаладиган маданий ва тарихий ришталар ташкил этади», деди. «Юнити Интернэшнл» жамғармаси бош котиби С.Анил ҳамда Ҳиндистон ислом маданияти маркази президенти Сирож Уддин мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ришталари сўнгги йилларда, айниқса, жадал ривожланаётгани ва икки мамлакат халқларининг манфаатларига хизмат қилаётганини қайд этди.

«Жаҳон» АА

# АДОЛАТ ЙЎЛИДАН КЕЛАЖАК САРИ

***1995 йил 18 февралда бўлиб ўтган Таъсис қурултойда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ташкил топди.***



ЎЗБЕКИСТОН «Адолат» социал-демократик партиясининг асосий мақсади мустақил Ўзбекистон ҳудудида яшаётган барча миллат ва элатларнинг умумий манфаатларига мос келадиган ҳуқуқий-демократик давлат барпо этиш, шунингдек, жамиятда ижтимоий адолат ўрнатиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинлигини таъминлаш, маънавият ва маърифат устувор бўлган фуқаролик жамиятини қуришга кўмаклашишдир.

Партия ўрта ҳол ва кам таъминланган аҳоли табақаларини ўз электорати деб билади ва ижтимоий-сиёсий соҳаларда уларнинг хоҳиш-иродаларини ифода этишга интилади.

### УЧ ТАМОЙИЛ

ПАРТИЯНИНГ ғоявий негизини социал-демократиянинг уч асосий тамойили ташкил этади. Булар сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий адолат принципларидир.

Сиёсий адолат тамойили демократик ҳуқуқ ва сиёсий эркинлик, яъни виждон ва сўз эркинлигини ўз ичига олади. Ҳамма учун баробар сайлов ҳуқуқи, қонун олдида тенглик, унга итоаткорлик бу тамойилнинг умумлаштирилган кўринишидир.

Иқтисодий адолат тамойили хўжалик ҳаётига жорий этилган жамиятнинг ўз-ўзини бошқариш тартиби бўлиб, унда хусусий манфаатдан жамият манфаатлари юқори туради. Ҳамма турдаги, шу жумладан, давлат, жамоат, хусусий мулкчилик шакллари ўз ривожланиш жараёнида шу тамойилдан четга чиқмасликни тақозо этади.

Ижтимоий адолат тамойили ҳар бир фуқаро ҳалол меҳнати самарасини кўриши, барча ҳақ-ҳуқуқларидан тўла фойдаланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериш ва ўтиш даври иқтисодий қийинчиликларида мушкул аҳволга тушиб қолган аҳоли қатламларини ижтимоий муҳофазалаш тадбирларини амалга оширишдан иборатдир.

### ЯНГИ ҲУҚУҚИЙ ИМКОНИЯТ

2006 йилнинг 4 декабрида бўлиб ўтган партия Сиёсий Кенгашининг VI пленумида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси тартибида киритилган Конституциявий қонун лойиҳалари Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фаолияти учун муҳим аҳамиятга эга экани эътироф этилди.

Пленумда мазкур қонун лойиҳаларида берилган асосий конституциявий талабларнинг амалга оширилиши сиёсий партияларнинг, шу жумладан, «Адолат» социал-демократик партиясининг давлат ва жамият қурилиши тизимидаги роли ва аҳамиятини тубдан кучайтиришга ва сайлов жараёнларида фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини оширишга, аҳолининг хоҳиш-иродасини ифода этиб, уларнинг марказда ва жойларда давлат ҳокимиятини шакллантиришда бевосита иштирок этишига хизмат қилади, деб кўрсатиб ўтилди.

Пленум қарорларида тегишли қонун лойиҳаларининг қабул қилиниши партияларга кенг ҳуқуқий имкониятлар очиб бериши, бу имкониятлардан самарали фойдаланиб партия дастурида белгилаб берилган мақсадларни рўёбга чиқариш учун «Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фаолиятини кучайтириш ва янгилаш юзасидан ҳаракат концепцияси»ни ишлаб чиқиш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Концепцияда партияни ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш, маънавий ва сиёсий жиҳатдан етук янги аъзолар жалб этиш ҳисобига партия ташкилотлари ва раҳбар органлари таркибини кучайтириш масаласи биринчи навбатдаги вазифа сифатида қабул қилинган.

### БУРИЛИШ НУҚТАСИ

АЛБАТТА, партия фаолиятини кучайтириш борасидаги саъй-ҳаракатлар ҳамиша кун тартибида турган. Лекин Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг Биринчи умумпартия Конференцияси бу соҳадаги ишларда маълум бурилиш ясади. Бу Конференцияда партиянинг 2006-2009 йилларга мўлжалланган Фаолият дастури қабул қилинди. Дастур илгари қабул қилинган партия дастурларидан кескин фарқланиб, 12 та йўналиш бўйича вазифалар аниқ изоҳлаб берилган. Шу билан бирга мазкур вазифаларни амалга ошириш борасида ижро механизми ҳам ишлаб чиқилган.

Дастурнинг барча ҳаракат йўналишлари бўйича белгиланган вазифалар, айниқса, ижтимоий ҳимояни кучайтириш, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, аёлларнинг жамиятдаги ролини ошириш ва ёшлар сиёсатига бағишланган бўлимлари партия аъзолари ва электоратининг хоҳиш ва истакларига мос келиши партиянинг фуқаролар орасида обрў-эътиборининг юксалишига, бошланғич ташкилотлар фаоллигининг кучайишига ҳамда партия аъзолари сафларининг ошишига олиб келди.

Буни «Адолат» СДПнинг Сиёсий Кенгаши ва ҳудудий кенгашлари томонидан 2006 йил мобайнида ўтказилган тадбирлар салмоғида ҳам кўриш мумкин. Ўтган йили жами 888 та турли тадбир ўтказилиб, улардан 130 таси ёшларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, 124 таси партиявий-ташкилий ишларни кучайтириш, 147 таси фуқароларнинг маънавий-маърифий савиясини юксалтириш, 138 таси аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва ролини ошириш, 133 таси электоратни партиянинг мақсад ва маслаклари билан таништиришга ва бошқа мавзуларга бағишланди. Шу билан бирга партия фаолларининг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини юксалтириш борасида 102 та ўқув семинарлари, семинар-тренинглари ўтказилди. Бу тадбирларда 94 мингдан зиёд партия аъзолари ва фуқаролар қатнашдилар. Бу тадбирларни амалга оширишда партия тизимидаги сиёсий таълим марказлари самарали фаолият юритаяпти.

> *2007 йил келиб, партия аъзоларининг сони 58854 нафарга, яъни 2005 йилга нисбатан деярли 6 минг кишига кўпайди. Уларнинг 26482 нафарини аёллар (44%), 18379 нафарини эса 30 ёшгача бўлган ёшлар (31%) ташкил этади.*

### ДАСТУРИЙ РЕЖАДАН — АМАЛИЙ ИШГА

2007 йилга келиб, партия аъзоларининг сони 58854 нафарга, яъни 2005 йилга нисбатан деярли 6 минг кишига кўпайди. Уларнинг 26482 нафарини аёллар (44%), 18379 нафарини эса 30 ёшгача бўлган ёшлар (31 %) ташкил этади. Бошланғич партия ташкилотлари сони 1200 дан ошди.

Фаолият дастурида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг вазифалари аниқ кўрсатиб берилгани 2006 йил фаолияти кўламига ижобий таъсир кўрсатди.

Фракция мажлисларида 30 дан ортиқ қонун лойиҳалари бўйича 300 дан ортиқ таклифлар тайёрлангани ва тегишли қўмиталарга тақдим этилгани қонун ижодкорлиги борасидаги фаолият кўлами ҳақида тасаввур уйғотади.

Партия фракциясининг ташаббуси билан вазирликлар, қўмиталар, ташкилотлар билан ҳамкорликда долзарб масалалар юзасидан конференция, давра суҳбатлари, семинарлар ташкил этилди. «Касаначилик – халқимизга хос азалий тадбиркорлик шакли», «Ўзбекистон Республикасида дори воситалари муомаласининг қонунчилик асосларини такомиллаштириш: муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари», «Инсонлар савдосига қарши курашнинг халқаро-ҳуқуқий жиҳатлари», «Хотин-қизлар ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқ ва нормаларининг Ўзбекистон қонунчилигига имплементация қилиниши», «Ҳомийликнинг ҳуқуқий асоси: бугунги ҳолати ва истиқболлари», «Йод етишмаслиги ҳолати: муаммо ва ечимлар», «Оила давлат ҳимоясида: ютуқлар ва муаммолар» каби мавзулардаги илмий-амалий конференция ва давра суҳбатлар шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, фракция аъзолари томонидан жойларда аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш, ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш ва мавжуд қонунчиликнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш мақсадида қатор учрашувлар уюштирилди.

Ўтган йил мобайнида фракция депутатлари фуқаролардан келиб тушган кўплаб мурожаатларни ўрганиб чиқиб, адолатли кўриб чиқилиши учун мутасадди ташкилотларга сўровномалар юбориб, бу муаммолар ижобий ҳал қилинишини таъминладилар.

Шунингдек, фракция аъзолари жойлардаги партия ташкилотлари билан биргаликда мамлакат Президенти томонидан Қонунчилик палатасига киритилган Конституциявий қонун лойиҳаларининг мазмун-моҳияти, мамлакатимиз сиёсий тизимидаги аҳамияти, хусусиятлари тўғрисида тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш юзасидан партия фаоллари ва фуқаролар орасида 194 та тадбир ўтказилди. Уларда 50 мингдан ортиқ партия аъзолари ва хайрихоҳлар иштирок этди.

Мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан киритилаётган Конституциявий қонун лойиҳаларининг кучга кириши партия ва унинг ташкилотлари олдига ниҳоятда масъулиятли вазифаларни қўйиши аниқ.

Бу вазифаларни амалга ошириш партия ташкилотлари, етакчилари ва аъзоларимиздан масъулият, тинимсиз меҳнат ва фидокорликни талаб этади. Охирги икки йил мобайнида ҳудудий партия кенгашлари фаолиятини жонлантириш, уларни етук кадрлар билан мустаҳкамлаш, аёллар ва ёшлар қанотларининг фаоллашуви борасида олиб борилган ишлар мазкур вазифаларга ишонч уйғотади. Партия тарафдорларининг кундан кунга кўпайиб бораётгани, олдинда турган мақсад ва ниятларнинг эзгулиги, «адолат» сўзининг жозибадорлиги бу ишончга ишонч қўшади. Амалий ишларда адолат тамойиллари ўз ифодасини топиши эса ҳар соҳада ҳақиқат устуворлик касб этишини таъминлайди. Шу сабабли партиядошлар, хайрихоҳлар, кенг жамоатчилик Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясиданислоҳотларни жадаллаштиришга, жамиятни демократлаштиришга, ижтимоий адолат тамойилларини қарор топтиришга қаратилган амалий ташаббусларни кутмоқда.

**Ўзбекистон «Адолат» СДП**
**Матбуот хизмати**

2007 йил 30 март № 13 (26)
ЖАМИЯТ
СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ

# «ҚИШЛОҚДАГИ МИЛЛИОНЕР» — ПРЕЗИДЕНТ СОВРИНИ СОҲИБИ

*Газетамизнинг 2006 йил 17 ноябрь сонида «Қишлоқдаги миллионер» сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Унда Ургут туманининг узоқ бир қишлоғида ўз меҳнати, пешона тери эвазига корхона ташкил этиб, ёшларни иш билан таъминлаётган, турли халқ истеъмоли моллари, қурилиш учун шифер ишлаб чиқараётган, орзу-интилишлари, ишбилармонлиги билан миллионер бўлган тадбиркор ҳақида ҳикоя қилган эдик. Мазкур мақоламиз ўша мақоладаги мавзунинг мантиқий давомидир.*

**Нурали ШОДИЕВ,**

**«Жамият» мухбири**

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ «Ўзкўргазмасавдо» мажмуида бўлиб ўтган «Ташаббус — 2007» кўрик-танлови якуний босқичининг очилишида мамлакатимизнинг энг фаол тадбиркору фермерлари ва ҳунармандлари, давлат ва жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда ғолибликни қўлга киритган тадбиркор, фермер ва ҳунармандлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўргазмаси мажмуанинг кенг майдонини эгаллади. Замонавий саноат корхоналарида ишлаб чиқарилган, фермер хўжаликларида етиштирилган ва қўлигул ҳунармандлар томонидан тайёрланган ранг-баранг маҳсулотлар кўзни қувонтирди.

Таъкидлаш жоизки, «Ташаббус» танлови тадбиркору фермерлар учун шунчаки ўз маҳсулотини намойиш этадиган кўргазма бўлибгина қолмасдан, мамлакатимиздаги хусусий сектор ривожида ҳам муҳим омил бўлмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари сони бугунги кунга келиб 350 мингтага етди. Бу тузилмаларнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши 42 фоиздан ошди. Иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг 70 фоиздан кўпроғи ушбу секторда фаолият юритмоқда.

Бухоро азалдан ўзининг моҳир зардўзлари, патдўзлари, пичоқсозлари билан машҳур. Бухоролик патдўз Муҳаббат Қўчқорованинг маҳорат билан яратган чинакам санъат асарлари кўргазмага алоҳида кўрк берди.

Тошкент шаҳридан «Алюбонд Ройсон» қурилиш технология шуъба корхонаси 2004 йилда ташкил этилган. Дастлаб корхонада 40 нафар ишчи меҳнат қилган бўлса, ҳозир уларнинг сони 100 нафардан ошди. Кўчаларда кўрк бериб турган алюминий композит панеллар билан қопланган биноларга кўзингиз тушгандир. Ушбу қурилиш ашёси мамлакатимизда асосан мазкур корхонада ишлаб чиқарилади. Ўтган йили 1 млн. 200 минг квадрат метр ана шундай маҳсулот тайёрланди. 50 йилдан ортиқ муддатга чидайдиган бу маҳсулотга нафақат юртимиз, балки хорижда ҳам талаб катта. Шунинг учун маҳсулотнинг 36 фоизи хорижга, хусусан, Россияга экспорт қилинмоқда.

Тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқаришда эришаётган натижалари, улар учун яратиб берилаётган шароитлар, харидорнинг маҳсулот ҳақидаги фикри — буларнинг бари танлов чоғида умумлаштирилди. Омма кўз ўнгида муносиб қатнашиш учун иштирокчилар жиддий тайёргарлик кўрдилар, янгиликлар яратишга ҳаракат қилдилар — демак, қайсидир маънода, ушбу кўрик-танлов уларнинг фаолияти ва йўналишига ижобий таъсир ўтказди.

«Ташаббус — 2007» кўрик-танлови ғолиблари ҳар йилгидек «Энг яхши тадбиркор», «Энг яхши фермер», «Энг яхши ҳунарманд» йўналишлари бўйича аниқланади. Шу билан бирга, «Энг яхши экспортчи корхона», «Самарали корпоратив бошқарувни ташкил этган энг яхши хўжалик», «Энг мурувватли тадбиркор», «Энг яхши пахтакор фермер», «Энг яхши ғаллакор фермер» каби янги номинациялар ҳам жорий этилган.

Кўрик-танловнинг якуний босқичи икки кун давом этди. Ғолибларни аниқлаш мақсадида ташкил этилган нуфузли ҳайъат аъзолари барча номзодлар ва улар ишлаб чиқарган маҳсулотлар билан яқиндан танишиб, энг яхшиларини танлаш имконига эга бўлди.

24 март куни эса пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида «Ташаббус-2007» республика танлови ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Ғолибларни саралашда уларнинг иқтисодиётимиз ривожига ҳамда аҳолининг истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжини қондиришга қўшаётган ҳиссасига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, янги иш ўринларини ташкил этиш, импорт ўрнини қоплайдиган ҳамда экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш каби омиллар ҳисобга олинди. Айни мақсадларни ифода этувчи янги номинациялар бўйича Сирдарё вилоятидаги «Мос Ян Текс» ҳамда пойтахтимиздаги «Alubond Roison bulding technologu» корхоналари «Энг яхши экспортчи кичик корхона», «Андижон-кабель» эса «Энг яхши экспортчи йирик корхона», шунингдек, Тошкент вилоятидаги «Вимм Билл Данн Тошкент» корхонаси «Энг яхши инвестор» деб топилди.

«Энг яхши пахтакор фермер» Қашқадарё вилоятидаги «Хўжаёр ота» фермер хўжалиги раҳбари Тўра Раҳмонов, «Энг яхши ғаллакор фермер» — Тошкент вилояти Оққўрғон туманидаги «Покиза-Н» фермер хўжалиги раҳбари Абдумалик Каримов бўлди. «Энг яхши тадбиркор аёл» Тошкент вилоятининг Оҳангарон шаҳрида яшовчи ҳунарманд Зарифа Баҳодирова, «Энг ёш тадбиркор» Жиззах шаҳрида истиқомат қилувчи Садоқат Йўлдошева, «Устоз-шогирд» дастури асосида «Ёшларни касб-ҳунарга ўргатишдаги хизматлари учун» номинациясида бухоролик Муҳаббат Қўчқорова ғолибликни қўлга киритди.



Танловнинг асосий йўналишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикасидаги «Тайимбет» фермер хўжалиги раҳбари Сарсенбой Сейтназаров «Энг яхши фермер», Андижон вилоятидаги Содиқжон Неъматов «Энг яхши ҳунарманд» деб топилди.

Хуллас, бу танловда бизнинг «Қишлоқдаги миллионер»имиз — Самарқанд вилоятидаги «Ургут яшил олтини» хусусий корхонаси раҳбари Зайниддин Аҳроров «Энг яхши тадбиркор» деб эълон қилинди. Уларга Ўзбекистон республикаси Президенти совғаси — «Матиз» автомобиллари топширилди.

Тилагимиз — элим деб, юртим деб ёниб яшаётган шундай юзи ёруғ тадбиркору фермерлар, қўлигул ҳунармандлар сафи кенгаяверсин.

---

*Шу йилнинг 26 мартида юртимизга Италия-Ўзбекистон савдо палатаси президенти Луиджи Иперти раҳбарлигида ишбилармонлар делегацияси ташриф буюрди. Ҳар икки мамлакат ишбилармонлари шаҳри саноатчилар уюшмаси савдо аҳли учун муҳим бўлган ҳамда 2 апрелга қадар давом этадиган ушбу ташриф Ўзбекистон Савдо саноат палатаси Италия-Ўзбекистон савдо палатаси ва Парма ҳамда консорциум Монца ва Брианца шаҳарлари экспортчилари ҳамкорликда ташкил этди.*

**Шоҳида АБДУЛАЗИЗОВА**

ИТАЛИЯЛИК ишбилармонларнинг Ўзбекистонга ташрифидан кўзланган асосий мақсад — мамлакатимизнинг сармоявий салоҳиятини янада чуқурроқ ўрганиш ва икки томонлама ҳамкорлик истиқболларини муҳокама қилишдан иборат.

# ХОРИЖЛИК ИШБИЛАРМОНЛАР ЎЗБЕКИСТОНДА

Айни пайтда мамлакатимизда Италия ишбилармонлари билан ҳамкорликда барпо этилган 46 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Улардан 6 таси тўлиқ италиялик ишбилармонлар сармояси ҳисобига бунёд этилган бўлиб, асосан алкогольсиз чанқоқбосди ичимликлар, кийим-кечаклар, шиша идишлар, атторлик, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда шунга ўхшаш турли хил халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Ташриф жараёнида италиялик ишбилармонлар ўзбекистонлик ҳамкасблари билан ўзаро фикр алмашадилар. Шунингдек, делегация аъзолари Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, "Ўзбекнефтгаз", "Ўзбекенгилсаноат" миллий холдинг компанияси, "Ўзбекэнерго", "Ўзавтосаноат", "Ўзкимёсаноат" компаниялари ва бошқа ташкилотлар вакиллари билан учрашадилар.

Шунингдек, куни кеча Австрия Федерал Иқтисодий палатасининг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари бўйича ваколатхонаси раҳбари Йоханн Каузл бошчилигидаги делегация юртимизга ташриф буюрди. Шу мақсадда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида бизнес-форум ўтказилди.

2006 йилда Ўзбекистон ва Австрия ўртасидаги ташқи савдо айланмаси 43,25 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Шунингдек, мамлакатимизда тенг шериклик асосида 18 та қўшма корхона ва тўлиқ Австрия сармояси ҳисобига барпо этилган 5 та корхона ишлаб турибди. Шунингдек, юртимизда икки мамлакат тадбиркорлари биргаликда ишлаб чиқаришни шакллантириш ҳамда хорижий сармояларни жалб этиш мақсадида кооперацион биржа ташкил этилди. Бизнес-форум ва коопeрацион биржа доирасида Австрия ишбилармон доира вакиллари мамлакатимиздаги ўнлаб вазирликлар, давлат акциядорлик ҳамда миллий холдинг компаниялари ва бир қатор ваколатли идоралар билан яқиндан таништирилди.

# ҒАРАЗ НИЯТЛИ «ЖОНКУЯРЛАР»

## ёки «Фридом Хаус»нинг мантиқсиз тадқиқотлари хусусида

***«Фридом Хаус» деб аталувчи ташкилот «Дунёда эркинлик-2007» деб номланган тадқиқотларини эълон қилганидан кўпчилик хабардор бўлса керак.***

БУ тадқиқотнинг номланиши, қолаверса санасининг ўзи бахсталаб: ахир йўқ нарсани тадқиқ этиб бўладими? 2007 йилнинг биринчи чораги тугагани йўғу, «Фридом Хаус» дунёдаги қатор мамлакатларга «эркин» ёки «эркин эмас» деган ёрлиқни ёпиштириб чиқишга улгурибди, — дейилади «Press-uz.info» ахборот агентлиги эълон қилган мақолада.

Мақолада таъкидланишича, бу ташкилотнинг эксперт ва таҳлилчиларининг «жон койитишига» унчалик ҳам ҳожат йўқ. Чунки бу борада, энг аввало, Қўшма Штатларга ёқмайдиган мамлакатлар «эркин эмас» деган рўйхатга киритилаверади. Ҳаммага яхши маълумки, бу ташкилотнинг Ҳомийлик кенгаши таркибида АҚШ республикачилар ва демократлар партияларининг етакчилари, собиқ давлат «амалдорлари» ва бошқалар бор. Демак, мазкур «обрўли ташкилот», энг аввало, АҚШ ташқи сиёсатини юритиш дастурига хизмат қилишга жалб этилган. Шундай экан, турли-туман эркинликларни, жумладан, гўё оммавий ахборот воситаларини бўғаётган ашаддий қоидабузарлар сирасига, энг аввало, Россия, Эрон, Хитой, Венесуэлла ва бошқа бир қатор давлатларнинг киритилгани ажабланарли эмас.

Жумладан, Россияга бугунги кунда Вашингтонда «биринчи рақамли» душман сифатида қаралмоқда. Гапга кўнмайдиган қайсар Эронга ҳам Американинг энг сара сиёсатдонларининг тиши ўтмаяпти. Ғарб сиёсат доираларида бугунги кунда Хитой «қизил истилочилар» тарзида талқин этилмоқда. Венесуэлла ва унинг президенти эса Оқ уй маъмуриятини тан олмаяпти.

***«Фридом Хаус» фаолиятининг кўпгина жиҳатлари хушёрлик талаб қилади. Хусусан, бу ташкилот фақат тадқиқотлар билан чекланиб қолмасдан, айрим сиёсий кучларнинг ташқи сиёсат манфаатларини ҳаракатлантирувчи омил сифатида иш олиб бормоқда.***

Шу ўринда «Фридом Хаус»нинг ижрочи директори Женнифер Виндзорнинг мулоҳазаларига эътибор берайлик. Унинг фикрича, «эркинлик даражасини сақлаб туриш» тараққиётни жадаллаштириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш учун янада эътиборлироқ бўлиш амалий ва сиёсий қадамлар қўйишни тақозо этар эмиш.

Демак, Қўшма Штатлар бугунги кунда истаганча бемулоҳаза қадам ташлаши, «навбатдаги» Ироққа элтувчи янги сиёсий можароларни ўйлаб топиши мумкин. Чунки «тўсиқларни бартараф этиш учун амалий-сиёсий қадамлар» дейилганда, «юз берган вазиятни АҚШнинг ўзи шахсан текшириб кўради, чунки қай тарзда тўғри яшаш, фақат бизгагина маълум» деган маънони англаш қийин эмас.

«Фридом Хаус» фаолиятининг бошқа жиҳатлари ҳам хушёрлик талаб қилади. Хусусан, бу ташкилот фақат тадқиқотлар билан чекланиб қолмасдан, балки АҚШ ташқи сиёсат манфаатларини ҳаракатлантирувчи омил ҳисобланади.

Бинобарин, «Фридом Хаус» россияликларга қандай яшаш кераклигини ўргатишга бир марта уриниб кўрди. Ташкилот 1999 йилда «Чеченистонда тинчлик учун курашувчи Америка комитети» ни ташкил этди. Мазкур комитетнинг дастурий мақсадлари гўё минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлашга кўмаклашиш, шунингдек, инсон ҳуқуқлари борасида фаолият олиб боришни кўзлаган бўлса-да, амалда Россия давлат ҳокимияти вакилларининг Чечениstondаги тиклаш, минтақадаги қуролланган айирмачилар устидан назорат ўрнатиш ишларига тўсқинлик қилишга қаратилди.

Бу фақат биттагина мисол эмас. Агар ушбу тоифадаги жамоат ташкилотлари Ғарбнинг маълум доиралари нигоҳида «демократлаштириш» омили, тинчликни мустаҳкамловчи манба сифатида талқин этилар экан, бундан бирон-бир яхшилик кутиш амри маҳол. Бинобарин, эртами-кеч бундай «жонкуяр»ларнинг баҳридан ўтиш масаласини ҳаётнинг ўзи кўндаланг қилиб қўяди. Чунки «Бир балоси бўлмаса, шудгорда қуйруқ на қилур», деган нақл бежиз айтилмаган.

# «WORLD VISION INTERNATIONAL»НИНГ АСЛ МАҚСАДЛАРИ НИМА?

***Газетамизнинг ўтган сонида «World Vision» халқаро нодавлат ташкилотининг Чечениstondаги ходими ноқонуний равишда ўқотар қурол олиб юргани учун жиноий жавобгарликка тортилгани ҳақида хабар берилган эди. Хўш, «World Vision» қандай ташкилот ўзи? Қуйида шу ҳақда маълумот берамиз.***

«WORLD Vision International» АҚШнинг Калифорния штатида рўйхатга олинган гуманитар христиан ташкилоти бўлиб, дунёнинг кўплаб мамлакатларида, айниқса, қуролли низолар чиқиши мумкин бўлган ҳудудларда фаолият кўрсатади.

Дунё оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарларга кўра, АҚШ Ироққа кирганидан сўнг, 2003 йилнинг майида USAID (АҚШ халқаро тараққиёт агентлиги) қатор нодавлат ва гуманитар ташкилотларига, шу жумладан, «World Vision International» ташкилотига ҳам Ироқда фаолият олиб бориш учун катта маблағ ажратган. Бироқ 2004 йилнинг ноябрида «World Vision International» ўзининг Ироқдаги фаолиятини тўхтатганини маълум қилади. Бунга мамлакатда юзага келган вазиятнинг мураккаблашгани ва ташкилот раҳбарларидан бирининг қуролли тўқнашувлар чоғида ўлдирилгани сабаб қилиб кўрсатилган эди.

Ўз даврида «World Vision International» фаолияти Сомали давлатида ҳам норозилик уйғотгани маълум. Мазкур давлат диний раҳбарлари бу ташкилот ва бошқа хорижий хайрия ташкилотларини ёшларга хайрия ёрдами кўрсатиш баҳонасида уларни христиан динига даъват этганликда айблаганди. Шу муносабат билан маҳаллий аҳоли орасида кўпминг кишилик норозилик намойиши ўтказилган.

«World Vision International» 2005 йилнинг бошида Мўғулистонга уч минг тонна миқдорида гуруч киритган эди. Кейинроқ ўтказилган текширувлар давомида бу озиқовқат маҳсулотининг истеъмолга яроқсизлиги аниқланди. Бинобарин, шу мисолларнинг ўзиёқ мазкур ташкилотнинг инсонпарварлик шиори билан ниқобланган асл башарасини яққол кўрсатади.

***Лента.ru хабарига кўра, мухолифатдаги Грузия лейбористлар партияси етакчиси Ш.Нателашвили мамлакат президенти М.Саакашвилининг истеъфога чиқиши, унинг ўрнига эса АҚШ маъмуриятининг Шарқий Европа бўйича маслаҳатчиси Б.Жексон республика парламенти олдида ҳисобот беришини таклиф этган.***

# ИСТЕЪФОГА УНДАДИ

«Чамаси, Грузия президенти сифатида парламент минбарида ким туришини, шу минбардан ким ҳисобот беришини энди айтиш пайти келди. Бу одам – юқори мартабали амалдор, АҚШ маъмуриятининг Шарқий Европа бўйича маслаҳатчиси Брюс Жексон», — деди Лейбористлар раҳбари президентнинг парламентдаги йиллик ҳисоботи тингланиши олдидан баёнот бериб.

Унинг айтишича, айнан Б.Жексон «бир гуруҳ шахслар ва нодавлат ташкилотлар кўмаги билан минтақада хусусан, Грузияда «атиргул инқилоби» деб номланган «рангли» инқилобни режалаштирган ва амалга оширган.

# ДАВЛАТДАН ЁРДАМ КУТИШМОҚДА

***Депутат Омонгелди Айтали нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, жамоат арбоблари ва журналистлар билан учрашув ўтказди, деб хабар тарқатди Қозоғистоннинг «Хабар» ахборот агентлиги.***

ДЕПУТАТНИНГ айтишича, Актюбинск областида ижтимоий ва соғлиқни сақлаш соҳаларида долзарб вазифалар анчагина. Минтақадаги мавжуд экологик вазиятга кўра, туберкулез бу ерда энг кўп тарқалган касалликлардан бири бўлиб турибди.

Нодавлат ташкилотлари вакиллари парламент аъзосига ўзларини қизиқтирган бир қанча саволлар билан мурожаат этдилар. Чунончи, улар Актюбинск областидаги бир неча юз нодавлат нотижорат ташкилотларидан бугунги кунда атиги бир нечтаси фаолият юритаётганини баён этдилар. Бирлашмаларнинг аксарияти молиявий маблағлар етишмаслиги оқибатида ёпилиб кетаяпти.

«Нодавлат ташкилотлари учун бирон-бир ёрдам борми? Агар, бор бўлса қачон кўрсатилади?» деган саволга парламент депутати қуйидагича жавоб қайтарган:

— Конституциямизга кўра, биз жамоат ташкилотларини молиялаштира олмаймиз. Аммо, парламентда ижтимоий буюртма тўғрисида қонун қабул қилинган. Диққатга сазовор лойиҳалар учун нодавлат ташкилотларига ана шу қонун доирасида молиявий кўмак берилиши мумкин.

**Саҳифани интернет материаллари асосида Норбобо ШАКАРОВ тайёрлади.**

*Авиацияда «Флаттер ҳолати» деган тушунча бор. Ердагилар учун у оддийгина сўз бирикмаси, аммо осмонда учувчилар учун даҳшатли фалокатдан дарак беради. У ҳамиша рўй беравермайди. Самолётлар, умуман учиш аппаратларининг тезлиги номаълум бир нуқтага етгандагина ана шу ҳолат рўй беради, яъни, самолёт ўз-ўзидан титраб, қалтираб, парчаланиб кетади.*




Улуғбек БОБОЕВ

# «БОИНГ»ГА НАЖОТ БЕРГАН ЎЗБЕК ОЛИМИ

БУ муаммо устида жаҳондаги юзлаб илмий-тадқиқот муассасалари, конструктор ва олимлар тинимсиз бош қотираяптилар. Лекин ҳозирча аниқ бир ечим топилгани йўқ. Шу боисдан жаҳондаги энг йирик авиакомпаниялар, жумладан, дунёнинг барча бурчагида танилган «Боинг» авиакомпанияси ҳам «Флаттер ҳолати» сабабларини чуқур ўрганиш, фалокатни даф этиш йўлларини излаётир. Бунинг учун эса дунёнинг энг кучли олимлари бу ишга жалб этилаётир ва катта-катта маблағлар сарфланмоқда.

Ана шу мураккаб муаммони ҳал этишга ўзбек олимлари ҳам жалб этилгани қувончлидир. 1996 йилда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси хориждан дастлабки «Боинг» самолётини сотиб олганида, корпорация вакиллари юртимизга ташриф буюриб, мамлакатимиз олимларининг авиация соҳасидаги илмий-тадқиқотлари билан ҳам қизиқдилар. Тошкент Давлат авиация институтининг кафедра мудири, физика-математика фанлари доктори, профессор Фахриддин Бадалов раҳбарлигида бир гуруҳ олимлар олиб бораётган илмий изланишлар меҳмонлар эътиборини тортди.

Жаҳондаги машҳур авиакомпаниянинг юртимиз олимларига эътибор бериши бежиз эмас. Бу, аввало, Ватанимиз илм-фанининг дунёда тан олинаётгани, буюк алломалар етишиб чиққан табаррук заминда ҳозир ҳам салоҳиятли фан намояндалари борлигидан далолатдир. Шуниси диққатга сазоворки, бутун дунё олимлари эътиборини қаратган муаммо ечимини топишга бизнинг олимларимиз анча эрта киришганлар. Чунончи, профессор Фахриддин Бадалов илмий изланишларининг бирида деформацияланувчи қаттиқ жисмлар механикасининг назарий муаммоларини ечишга эришди. Бунда у ночизиқли қайишқоқ эгилувчанлик назариясининг айрим чегаравий, шунингдек, бошланғич чегаравий масалаларининг бир қийматли ечилишини исботлади ва мазкур назариянинг динамик масалалари учун илк марта аниқ ечим топди. Шу асосда бир қатор муҳим янги механик эффектлар аниқланди. Зеро, юқорида айтиб ўтилган «Флаттер ҳолати» сирини аниқлашда бу тадқиқотлар ғоят қўл келади. Мана шунинг учун ҳам «Боинг» авиакомпанияси олимимизга катта ишонч билдириб, унга масъулиятли тадқиқот юзасидан буюртма берди.

Дарҳақиқат, буюртмачилар янглишмаган эди. Олимларимиз океан ортида «чақилмаган данак»ни қойилмақом қилиб «чақиб» бердилар. Натижада «Боинг»ларда «Флаттер ҳолати»нинг содир бўлиши 2,5 бараварга камайди, самолётларнинг мустаҳкамлиги 1,7 бараварга ошди. Бинобарин, йўловчиларнинг бехавотир парвоз қилишига қўшимча имкон яратилди.

«Флаттер ҳолати»нинг салбий оқибатларини камайтириш юзасидан ўзбек олимлари яратган услуб АҚШ мутахассислари томонидан жуда юқори баҳоланди.




*Тарихий маълумотларга кўра, 1894 йил 28 март куни Тошкент шаҳрида ҳаво ҳарорати 30,8 даражага кўтарилган экан. Энди-энди бўй кўрсатаётган яшил майсаралар ва ниҳоллар бу жазирамага дош бериши маҳол. Ҳар фаслнинг ўз хислати сақланганига нима етсин?.. Не тонгки, бу йил баҳор фасли бутун фазилатлари билан намоён бўлмоқда. Республика гидрометеорология маркази маълумотига кўра, бугун мамлакатимизда ҳаво ўзгариб туради. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ёғингарчилик кутилмайди, бошқа ҳудудларда эса кечаси ва эрталаб бошланган ёмғир кундузи тўхтайди. 31 март куни республика бўйича ёғингарчилик кутилмайди. 1 апрелда эса айрим жойларда ёмғир ёғиши мумкин.*

*2-3 апрель кунлари мамлакатимизда ҳаво очиқ бўлади, ёғингарчилик кутилмайди. Баъзи жойларда туман тушади. Ғарбдан эсаётган шамол ўз йўналишини ўзгартириб, шарқдан секундига 7-12 метр тезликда эса бошлайди. Ҳарорат кечаси 3-8, кундузи 15-20 даража илиқ бўлади. Ёмғир ёғаётган пайтда ҳарорат 10-15 даражани ташкил этади. Республика шимолида 30 март - 1 апрель кечаси 3 даража совуқ- 2 даража илиқ, кундузи 8-10 даража илиқ, 2-3 апрель кунлари кечаси 0-5, кундузи 11-16 даража илиқ бўлади.*

*Тоғли ҳудудларда ҳаво ўзгариб туради. 30 март — 1 апрель кунлари вақти-вақти билан ёғингарчилик бўлади. 30 март — 2 апрельда кунлари қор кўчиши хавфи бор. Баъзи жойларда туман тушади. Ҳарорат 30 март - 1 апрелда кечаси 0-5 даража совуқ, кундузи 3-8 даража илиқ, 2-3 апрелда кечаси 2 даража совуқ, кундузи 7-12 даража илиқ бўлади.*

# ШИФОБАХШ ГИЁҲЛАР САРАСИ

Биласизми?

***Кунлар илиб, қуёшнинг заррин нурлари еру кўкни қиздирмоқда, кўкламойим аталмиш баҳор элимизни кезмоқда. Сернам ўтлоқларда, ариқ ва зовур ёқаларида серхосият гиёҳ — ялпиз бодраб чиққан. Айни пайтда инсон организми кўкатлардан, айниқса, ялпиздан тайёрланган таомларга эҳтиёж сеза бошлади. Шу боис ҳар бир хонадонда улардан турли таомлар тайёрланади.***

Элмурод ЭГАМҚУЛОВ

ЯЛПИЗ дам олиб ўтган ернинг қувватидан униб чиққани учунми, шифобахш хусусиятлари кўп бўлган доривор ўсимликдир. Айниқса, унинг таркибидаги эфир мойларидан саноатда, хусусан, тиббиётда доривор-лар, парфюмерия воситалари тайёрлашда кенг фойдаланилади. Чунки ялпиз ментол, ментон, пинен, фландрен, цениол, незлиол, жасмин каби эфир мойлари, органик кислоталар, глюкоза, С витамини, минерал тузларга бойлиги билан қимматлидир.

Буюк аждодимиз Абу Али ибн Сино ялпизнинг хосиятларини таъкидлаб экан, уни ичак касалликларини даволашда кенг қўлланилишини айтган. Бундан ташқари ялпиздан овқат ҳазм қилишни яхшилашда, гижжа ҳайдашда, қон тўхтатишда, қайт қилишни қолдиришда самарали фойдаланилган.

Тиш оғриғи, милк яллиғланишини даволашда унинг ер устки қисмидан тайёрланган қайнатмаси фойда беради. Агар танага яралар тошиб кетса, ялпиз шарбати яхши муолажадир. Қолаверса, ундан нафас йўллари касалликларининг олдини олувчи восита сифатида фойдаланилса, ижобий натижа беради.



Айни пайтда хонадонларимизда ялпиздан сомсалар, чучваралар тайёрланаяпти. Бу эса инсон саломатлигини муҳофаза қилишда витаминларга эҳтиёж сезилиб турган баҳор кунларида муҳим аҳамиятга эга.

БОШ МУҲАРРИР
Сирожиддин РАУПОВ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Маъруфжон УСМОНОВ
Қиём НАЗАРОВ
Жамолиддин ҲАКИМОВ
Рифат САРБАЕВ
Рустам ҚОСИМОВ
Норбобо ШАКАРОВ
Беҳзод ҲОТАМОВ
Нурали ШОДИЕВ

МУАССИСЛАР
Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси
Ўзбекистон Республикаси Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси
Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамоат фонди
Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси
Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
"Фуқаролик жамияти — Гражданское общество — Civil society" журнали

НАВБАТЧИ МУҲАРРИР
Абдували ҚУТБИДДИНОВ
ДИЗАЙНЕР
Ҳабибжон БОЛТАЕВ
НАВБАТЧИ
Нурали ШОДИЕВ

«Шарқ» нашриёт акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41.
Буюртма рақами Г-236
Адади: 8018
Газета "Фуқаролик жамияти — Гражданское общество — Civil society" журналининг ҳафталик иловаси.
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 45-уй.
Маълумот учун телефонлар:
132-60-98, 132-60-74.
Электрон почта:
jamiat@mail.ru

«Жамият» дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
① — тижорат белгиси

Топширилган вақти:

2007 йил 30 март № 13 (26)
ЖАМИЯТ
СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ


# Режа «БИРИНЧИ»

## УЙ ҲУДУДИ - БУТУН ЎЗБЕКИСТОН!

Барча мобил рақамлардан кирувчи алоқа* - $0
Барча мобил рақамларга чиқувчи алоқа** - $0,02



Энди уланишда минимал олдиндан тўлов – 5 000 сўм.

* Ўзбекистон бўйича Ўзбекистон ҳудудидаги барча уяли алоқа операторлари абонентларидан бўлган қўнғироқларда ва операторга тегишли префикс тўғри берилганда.
** Бир дақиқа учун, рақамлар операторларнинг қуйидаги префикслари билан терилганда: 998 **90**, 998 **93**, 998 **95**, 998 **98**.
*** Ўзбекистон бўйича бошқа кирувчи ва чиқувчи қўнғироқлар бир дақиқа учун - $0,04

## МТС-ЎЗБЕКИСТОН – СИНОВДАН ЎТГАН СИФАТ!

Батафсил маълумотни **WWW.MTS.UZ** сайтида кўриш мумкин
Хизматлар лицензияланган
Ўзбекистон Республикасида хизматлар «Уздунробита» компанияси томонидан тақдим этилади
Тўловлар сўмда ЎзР МБнинг тўлов кунидаги курси бўйича амалга оширилади. Нархларга барча солиқлар киритилган.

МТС